Ушбу сонда:

2 СПОРТНИНГ ОММАВИЙЛАШУВИ инсон камолотига хизмат қиляпти

3 «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ

4 *Нуқтаи назар* МУСИҚАНИНГ СЕҲРЛИ КУЧИ



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

**2004 йил 30 ноябр, сешанба № 190 (1823)**

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


**26 декабр: сайловни очиқлик, ошкоралик, демократик руҳда, сайловчиларнинг фаол иштирокида ўтказайлик**



*Синхрон сузиш*

## ЎЗБЕКИСТОН «СУВ ПАРИЛАРИ» - ҒОЛИБ!

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуи сув спорти саройида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим ва Мудофаа вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши, «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Республика «Маҳалла» жамғармаси ва Ўзбекистон синхрон сузиш федерацияси томонидан ташкил этилган синхрон сузиш бўйича «Сув париси» V анъанавий халқаро турнири якунланди.

1999 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур халқаро турнирда ҳамюртларимиз билан бирга Россия, Хитой, Қозоғистон, Ҳиндистон ва Беларусдан келган 50 нафардан зиёд ёш спортчи ўз маҳоратини намойиш этди.









Яккалик баҳсларида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Дарья Мажаеванинг чиқиши ҳакамлар томонидан юқори баҳоланиб, унга мусобақа кубоги топширилди. Қолган совринли ўринлар россиялик Анна Ходикина ҳамда Беларус вакиласи Ольга Ушаковага насиб қилди.

Турнирда хитойлик спортчиларнинг чиқишлари ҳам мухлису мутахассисларга манзур бўлди. Айниқса, жуфтлик беллашувларида оилавий дуэт - Жианг Жин Жин ҳамда Жианг Вен Вен кўрсатган дастур ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди - хитойлик эгизаклар олтин медал билан тақдирланди. Россиялик Александра Ушакова ҳамда Александра Климцева ҳамда Қозоғистон терма жамоаси аъзолари - Марина Коринец ва Светлана Нечипуренко ҳам совриндорлар сафидан жой олди.

Гуруҳ беллашувларида иштирок этган терма жамоалар эркин ҳамда мураккаблаштирилган ихтиёрий дастур бўйича ўз маҳоратини намойиш қилди. Эркин дастур бўйича биринчи ўринни эгаллаган Ўзбекистон терма жамоаси асосий таркибининг чиқишлари мураккаблаштирилган машқларда ҳам энг юқори баҳоланди. Қозоғистон терма жамоаси вакилалари эса ҳар икки усул бўйича кумуш медални қўлга киритди. Ўзбекистон терма жамоасининг иккинчи таркиби эса бир жуфт бронза медалга эга бўлди.

«Сув париси» V халқаро турнири ўзбекистонлик синхрон сузувчиларнинг маҳорати, тажрибаси йилдан-йилга ошиб, умидли спортчиларимиз сафи тобора кенгайиб бораётганини кўрсатди.

**(ЎзА)**

## САЙЛОВГА БАҒИШЛАНГАН ЯНГИ КИТОБЛАР







Марказий сайлов комиссияси томонидан «Сайлов: Ўзбекистон Республикасида сайлов ҳуқуқи ва сайлов жараёни» (Б.Мустафоев, Ҳ.Авезов) қисқача изоҳли луғати ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилди. «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида босмадан чиққан ушбу луғатда демократик сайлов жараёнида қўлланиладиган олтмишга яқин тушунчаларнинг изоҳи содда ва равон услубда баён қилинган.

Ўзбек ва рус тилидаги мазкур китобда, хусусан, «Имзо варақаси», «Мажоритар сайлов тизими», «Пассив сайлов ҳуқуқи», «Сайловни тайинлаш», «Сайлов кампанияси», «Сайлов бюллетени», «Сайловолди ташвиқоти», «Такрорий сайлов», «Хорижий (халқаро) кузатувчи» ва «Электорат» каби сўз ва иборалар мутахассислар томонидан батафсил изоҳланган.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси «Жаҳон» ахборот агентлиги билан ҳамкорликда Б.Мустафоевнинг «Эркин демократик сайловларнинг ҳуқуқий асослари - Legal Foundations of free Democratic Elections - Правовые основы свободных демократических выборов» китобини ҳам уч тилда кўп минг нусхада нашрдан чиқарди.

Рисолада сайлов қонунчилигининг ҳуқуқий асослари, мамлакатимизда икки палатали парламентга сайловнинг ўзига хос жиҳатлари, унда сиёсий партияларнинг иштироки, сайловолди кампаниясини молиялаштириш тартиби, фуқароларнинг депутатликка номзод кўрсатишда иштироки, Сенат аъзолари сайловининг хусусиятлари ҳақида атрофлича сўз юритилади.

**(ЎзА)**

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн олтинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

**Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси 2004 йил 2 декабр куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.**

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига***

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 1 декабр куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

***Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган депутатлар диққатига***

Олий Мажлисда 30 ноябр куни соат 15.00 да Фидокорлар миллий демократик партияси ва «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши эса ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида 30 ноябр куни соат 16.30 да бўлади.

Олий Мажлисда 1 декабр куни соат 15.00 да «Адолат» Социал-демократик партиясининг фракцияси, ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блоки ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блоки йиғилишлари ўтказилади.

МДҲ Ижроия қўмитаси раиси Владимир Рушайло Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашди.

## ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва МДҲ мамлакатлари ўртасида алоқаларни янада кенгайтириш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқаро терроризм ва гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашдаги ҳамкорликка оид масалалар муҳокама этилди. Суҳбатда, шунингдек, жорий йилнинг 26 декабрида юртимизда ўтказилажак парламент сайловида МДҲ Ижроия қўмитаси вакилларидан иборат кузатувчиларнинг иштирокини ташкил этиш юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

## ЯНГИ ПЛАКАТЛАР




Марказий сайлов комиссияси бўлажак сайловларнинг янада очиқ, ошкора ва мазмунли ўтишини таъминлаш мақсадида сайловчилар учун ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида бир неча ўлчамдаги рангли плакатларни чоп этди.

Кўп минг нусхада босмадан чиққан бундай кўргазмали тарғибот материаллари округ ва участка сайлов комиссиялари биноларига, номзодларнинг сайловолди учрашувлари ўтадиган масканларга, жамоат транспорти, таълим муассасаларига, маҳалла гузарларига жойлаштириш учун мослаб тайёрланган.

**(ЎзА)**

## РЕСПУБЛИКА КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҚУРУЛТОЙДАН ҚУРУЛТОЙГАЧА



## БОШИ ФАЛАККА ТЕНГДИР, МАҒРУРДИР ИНСОН

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгашида меҳнат аҳлига моддий ва маънавий кўмак бериш, уларнинг соғлиги ва дам олиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш бош мезон ҳисобланади. Бошқача айтганда «Инсон қадри ҳар нарсадан улуғ» деган ҳикмат Кенгаш фаолият дастурини ташкил этади. Зеро, инсон эрки, шаъни, меҳнати, саломатлиги йўлида камарбаста бўлмоқ адолатли жамиятнинг асосий қонуни ҳисобланади.

Шаҳар қўмитаси ўз қонуний ҳақ-ҳуқуқини тиклаёлмай умид билан келган ҳар бир касаба уюшма аъзосининг мушкулини осон қилиш ниятида малакали мутахассислар ва ҳуқуқшуносларни сафарбар этган. Ҳисобот-сайлов даврида қонунга зид равишда ишдан бўшатилган ўнлаб ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари касаба уюшмалари аралашуви билан тикланди.

Демократик давлатни шакллантириш, ходимлар манфаатларини ҳимоялаш, иш берувчилар билан ходимлар ўртасидаги муносабатларни қонуний тартибга солувчи меъёрий ҳужжат жамоа келишувлари ва шартномаларидир. 2003 йилнинг биринчи чорагидаги кенгайтирилган йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва касаба уюшмалари Кенгаши ўртасида ижтимоий ҳамкорлик тўғрисидаги битим қабул қилинган. Унда 2003 - 2004 йилларда аҳоли ва меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўзаро ҳамкорлик Келишуви қабул қилинди. Бундан ташқари, тармоқ касаба уюшмаларининг шаҳар қўмиталари, шунингдек, шаҳар миқёсидаги давлат идоралари, бош бошқармалари ўртасида 27 та ҳамкорлик Келишувлари имзоланди. Қурултойдан қурултойгача ўтган даврда юридик шахс мақомига эга бўлган корхона, ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномалари такомиллашиб борди. Агар 2000 йилда муассасаларда 1512 та жамоа шартномаси қабул қилинган бўлса, бугунги кунга келиб улар сони 3060 тадан ошиб кетди. Улар орқали 465 минг 690 нафар меҳнаткашлар манфаати қамраб олинди. Жамоа шартномалари ва Келишувларнинг бажарилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатилиб, ижроси мунтазам таҳлил қилиб борилди.

Жамоа шартномаларига асосан ходимнинг иш ҳақини ошириш 2000 йилда 50736 сўмни ташкил этган бўлса, бугунги кунда 90697 сўмга ошди. Имтиёз ва кафолатлар 12783 сўмдан 39370 сўмга, соғломлаштириш учун сарф харажатлар 7114 сўмдан 13453 сўмга, меҳнат муҳофазасига сарфланадиган харажат 7976 сўмдан 14520 сўмга кўпайди.

Соғломлаштириш шаҳар касаба уюшмалари фаолиятида етакчи ўринлардан ҳисобланади. Ҳисобот-сайлов даврида келажагимиз эгалари бўлмиш болаларга меҳрибонлик кўрсатиш, уларни ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, соғлом авлодни камол топтириш, оналар ва болалар соғлиғини муҳофазалаш, айниқса «Соғлом авлод», «Она ва бола» Давлат дастурлари асосида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилди. Сиҳатгоҳларда «Она ва бола» бўлимлари ташкил этилди. Биргина «Соғлом авлод» Давлат дастури асосида корхоналарда меҳнат қилаётган ногирон, кўп болали ҳамда кам таъминланган 29751 та оилага 62,5 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек «Она ва бола» Давлат дастурини амалга ошириш учун жамоа шартномалари орқали Меҳнат қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатларда қайд этилган нормативлардан ташқари 1476 та корхонада 55788 нафар аёлга қўшимча таътил берилди.

2195 нафар аёллар эса фарзанди 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар тўланадиган моддий ёрдамдан баҳраманд бўлишди. Бунинг учун 734 та корхонада 26,6 миллион сўм сарфланди.

Нуронийларни қадрлаш шаҳар Кенгаши фаолиятининг асосий йўналишларидан. Айниқса, «Қарияларни қадрлаш» Давлат дастури бўйича жамоа шартномаларига меҳнат фахрийларини ҳар томонлама ижтимоий ҳимоялаш, саломатлиги ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш алоҳида банд сифатида киритилди ва унинг назорати таҳлил этиб борилди. 2306 та корхона ва ташкилотда узоқ йиллар меҳнат қилиб пенсияга чиққан 15913, шунингдек ишлаётган 21282 нафар пенсионерларга маъмурият томонидан 174 миллион сўм, касаба уюшма маблағидан 37 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди.

***(Давоми 2-бетда)***

## ЁШЛАР ВА АСОСИЙ ҚОНУН




Сурхондарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Таълим муассасалари ва корхоналарда Бош Қонунимизни ўрганиш юзасидан машғулотлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Термиз давлат университетида ўтган учрашув ҳам шу мавзуда бўлди. Вилоят ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳамда Тошкент Давлат юридик институти билан ҳамкорликда ташкил этган тадбирда сўзга чиққанлар демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнлари, Конституциямизнинг яратилиш тарихи, инсон ҳуқуқлари, ёшларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, жамият тараққиётидаги ўрни хусусида гапирдилар.

***Бу ҳақда халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида гапирилганди***

## ИШНИНГ ТАҚДИРИНИ ОРИЯТЛИ КИШИЛАР ҲАЛ ЭТАДИ

***Ер — бебаҳо бойлик, халқимиз фаровонлиги, дастурхонимиз тўкинлиги манбаи. Фақат у ўз эгалари – ер билан тиллаша оладиган бободеҳқонларга топширилгандагина ана шу сифатлар юзага чиқади. Куни кеча бўлиб ўтган халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ҳам айнан шу ҳақда гап борди. Сессияда мамлакатимиз раҳбари вилоятда сўнгги йилларда ердан оқилона ва самарали фойдаланиш борасида йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар тўғрисида сўз юритаркан, қишлоқ хўжалигида муваффақиятларга эришишнинг асосий омили ишни тўғри ташкил эта оладиган, масъулиятни сезадиган фидойиларга, бошқача қилиб айтганда, ҳақиқий деҳқонга топширишда эканлигини алоҳида уқтириб ўтди.***

Ҳошимжон Сотволдиев тендер комиссиясига ариза ташлади. Аммо у сўраган нобоп, кейинги олти йилда юлғуну шўрага макон бўлган майдонларга ўзга даъвогар чиқмади. Шу боисми, комиссия ҳеч иккиланмасдан ташландиқ ерни унга қўшқўллаб топширди. Мирзаобод туман ҳокими қарори билан «Боғда она» фермер хўжалиги ташкил этилди. Ерни осонгина қўлга киритган Ҳошимжон ака далага трактор солди. Бахтга қарши, яхлит майдон кўринган пайкалнинг баъзи жойлари 50 сантимергача чуқур ёки аксинча баланд экан. Қисқаси мавжуд ерга сувни етаклаб ҳам чиқариб бўлмаскан. Шунинг учун ўтган йили фермер ишчилари билан йил-ўн икки ой қандай ўтганини сезмай ҳам қолди. Астойдил меҳнат қилишди, тер тўкишди. Ҳатто уватларда, дўнгалакларда Ҳошимжон аканинг ўзи билан ўзи гаплашиб ўтирганини учратганлар кўп бўлди. Аммо ирода синовни енгиб чиқди. Тўғри, биринчи йил ғалла кўнгилдагидек бўлмади. Шартнома режа аранг уддаланди.

Ўтган кузу қиш фермер хўжалигидагилар ариқларни созлашди. Экин майдонлари рисоладагидек текисланди. Натижада 14 гектар буғдой майсалари сувга қондирилди. 10 гектардан ошиқ майдонга чигит қадалди. Энди уста миробни топиш муаммоси кўндаланг турарди. Ҳошимжон машинага ўтирдию, қайдасан Фарғона дея йўлга тушди. Болаликдан таниган, мироблик илмининг пири Кимсанбой ака этагидан ушлади. Ҳамкорликда ишлашга кўндирди. Мирзачўлга келиб далани кўрган Кимсанбой ака пайкал ўртасидаги тепаликка битта сим каровот қўйиб берасан, деб туриб олди. Дўстига пар ёстиғу юмшоқ тўшакда ётиб мўл ҳосил олиб бўлмаслигини уқтирди. Шу ёз қишлоқ аҳли кун бўйи далалар ортда қолди. Шу йилнинг кузида теримга тушишди. Ҳашарчилар икки кунда ҳар гектар ердан 16 центнердан пахта териб берди. Иккинчи теримдан сўнг бу борадаги режа 160 фоизга уддаланди.

– Соф фойда 6 миллион сўмни қоралаяпти, – дейди фермер. – Бу биргина пахтачиликдан. Ғалла даромадини қўшсак, икки ҳиссага ошади.

Айтганча, ишчиларнинг даромади ҳам чакки эмас. Ҳар бир ишчига ўртача ойлик маош 30 минг сўмни ташкил этмоқда. Бундан ташқари, уларнинг ҳар бирига 2 тоннадан буғдой тақсимланди. 15 тонна дон захирага қолди. Хуллас, бутун эл-улус Ҳошимжон ака уддабуронлигига тан берди. Негаки, фидойилик эвазига кўпчилик уддасидан чиқолмаган, эвида фонус милтиллашию Кимсанбой аканинг жилдиллатиб сув тараётганини кузатди. Ҳошимжон Сотволдиевга кун бўлмади унинг дастидан. Ҳар тонг бир машина ґўнгни ариққа ағдармаса, Кимсанбой акадан балога қолди. Ишлов ҳам, сув ҳам фақат ўғит билан берилди.

Фермер ҳам танти турди. Далада ишлаётган 6 нафар ишчиларни икки маҳал иссиқ овқат, ишчи коржомаси билан таъминлади. Ҳар ойда ойлик берди. Ниҳоят, заҳматни қилолмаган ер барака булоғига айланди.

Гулистон туманидаги «Шерали ота» фермер хўжалигига бундай таъриф-тавсифлар ножоиз. Чунки тадбиркорларга 35,6 гектар энг сара ер берилганди. Лекин фермер хўжалиги раҳбари Л.Эсонов буни ўзгача қабул қилди. Мана тўрт йилдирки, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам алдаб келаяпти. Бир мисол, 2002 йили у шартномадаги 10 тонна ўрнига бор-йўғи 4 тонна пахта топширди. Ўтган йили эса уддабуронликнинг янги қиррасини «кашф қилди». Ижарага олган ер майдонининг 14 гектарини қўшни «Иброҳимий» фермер хўжалигига тортиқ қилиб юборди. 35,6 гектар ерга ажратилган транш маблағларига эса эгалик қилиб келди. Аммо қонунбузар фермер ўйлагандек бўлмади. Вилоят хўжалик судида бу масала адолатли кўрилиб, юрар йўлидан адашган фермерга нисбатан қонуний чора белгиланди.

Хўш, «Шерали ота»дагилар нимадан ютди? Ҳеч нарсадан. На ёлчитиб даромад олишди, на ундан бирор киши наф кўрди. Энг ачинарлиси, элни боқиш имкони бўлган бебаҳо бойлик – ер майдонларининг умри беҳудага соврилди. Таассуфки, бундай «ишбилармонлар» вилоят қишлоқ хўжалиги юксалишига, иқтисодиёт тараққиётига тушов бўлаяпти. Демоқчимизки, бу каби ҳолатлардан хулоса чиқариш пайти келди.

**Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири**

*3 декабр- Халқаро ногиронлар куни*

# ДАВЛАТ СОЯБОН

***Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 2004 йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши юртимизда хайр-саховат, меҳр ва мурувват ишларининг янада жонланишига хизмат қилмоқда.***

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ижтимоий ёрдам ва қўллаб-қувватлашни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи Алишер Иноқовнинг айтишича, вазирлик томонидан қариялар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар саломатлигини яхшилаш ишлари режа асосида олиб борилябти.

Жорий йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида 30 мингга яқин киши тизимдаги дам олиш оромгоҳларида, пойтахтимиздаги Саломатликни тиклаш ва физиотерапия илмий-текшириш институти ва унинг жойлардаги филиалларида, Касаба уюшмалари федерацияси санаторияларида даволанди.

Ногиронларни сифатли протез-ортопедия маҳсулотлари, эшитиш воситалари ҳамда аравачалар билан таъминлаш вазирлик фаолиятининг муҳим йўналишларидан. Бу борада илғор чет эл технологиялари асосида маҳаллий хомашёдан протез-ортопедия маҳсулоти ишлаб чиқарадиган «Ортопедия реабилитацияси» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси фаолият кўрсатмоқда. «Инкав» корхонаси эса ногиронлар аравачасига бўлган эҳтиёжни қондиришга хизмат қилаётир.

Шу йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида ўн бир минг нафардан кўпроқ ногирон протез-ортопедия маҳсулотлари, аравачалар, эшитиш аппаратлари ва бошқа ёрдамчи воситалар билан таъминланди. Бу мақсадлар учун 600 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди ҳамда ҳомийларнинг икки юз қирқ саккиз миллион сўм маблағи жалб этилди.

Инсонга ёруғ ҳаётни кўриш бахтини раво кўриш - энг савобли ишлардан. Ана шундай савобталаб ҳомийлар маблағи ҳисобига мингга яқин ногиронга сунъий кўз гавҳари ўрнатилиб, уларнинг кўриш қобилияти тикланди.

Республика ногиронлар, кўзи ожизлар ва карлар жамиятларига қарашли корхоналар фаолиятини такомиллаштиришга беш юз етмиш бир миллион сўмлик кредит ажратилди. Натижада икки ярим мингга яқин ногирон ишли бўлди.

Қарийб йигирма беш минг нафар қаровчиси йўқ ёлғиз қария, нафақа ёшидаги отахон ва онахон, меҳрга муҳтож ногиронга хонадонида ижтимоий хизмат кўрсатиляпти. Ижтимоий таъминот тизими ходимлари ва Қизил Ярим Ой жамиятининг меҳр-шафқат ҳамширалари улар хизматида.

Халқаро инсонпарварлик ташкилотлари ҳам юртимизда амалга оширилаётган бундай хайрли ишлардан четда тургани йўқ. Улар томонидан ёлғиз қариялар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларга икки миллиард олти юз миллион сўмдан зиёд мурувват кўмаги кўрсатилди. Жанубий Кореянинг «Оннури» халқаро хайрия ташкилоти ҳадя этган кийим-кечаклар боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари, ёлғиз қариялар, «Саховат» ва «Мурувват» уйларида яшаётган нуроний ҳамда ногиронларга тарқатилди.

Вазирлик тизимида фаолият кўрсатаётган ўн иккита реабилитация марказида ногиронларнинг соғлиғини қайта тиклашга, руҳини кўтариб, меҳнатга жалб этишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бундай марказларда ҳар йили ўртача ҳисобда ўн олти минг нафар ногиронга хизмат кўрсатилади..

Бир сўз билан айтганда, юртимизда амалга оширилаётган меҳр ва мурувват ишлари ногиронларни ҳаётдан завқ олиш, ўзини жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ҳис этишида муҳим омил бўлаётир.

**(ЎзА)**

*Якун ва режалар*

# ВАЪДА БЕРИШ даври ўтган

***Куни кеча Тошкент вилояти давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма Кенгашининг ҳисобот-сайлови бўлиб ўтди. Унда 2003 йил декабр - 2004 ноябр даврида амалга оширилган ишлар йиғилиш қатнашчилари томонидан чуқур тахлил этилди.***



Ҳисобот даври мобайнида Тошкент вилояти тармоқ касаба уюшмалари республикамиз қонунлари, шу жумладан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг уставига ҳамда Ҳаракат дастурига, Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни асосида иш юритиб, асосий эътиборни ўзларининг энг долзарб вазифалари - меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашга қаратди. Тармоқ меҳнаткашларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатимизда кечаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёнида, кўп укладли иқтисодиётнинг қарор топиши ва ривожланишида фаол иштирок этишга ҳаракат қилдилар. Айниқса, Давлат тизими муассасаларида касаба уюшма ташкилотларининг нуфузи ҳамда жанговорлигини ошириш, аъзолар сонини кўпайтириш ва мустаҳкамлаш каби долзарб вазифалар ҳам кенгашнинг диққат.

Ўтган йили март ойида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тизимни такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилганди. Унга асосан жойларда Марказий қўмитанинг туман, шаҳар вакиллари тасдиқланди. Бўлиб ўтган ҳисобот сайлов конференциясида эса Тошкент вилоят касаба уюшма тармоқ қўмитаси ўрнига Марказий қўмита вакиллиги жорий этилди. Бошланғич ташкилотлар билан ишлаш, жойларда уларнинг жанговарлигини ошириш учун талайгина ишлар қилинди. Натижада жорий йилнинг бошида бошланғич ташкилотлар сони 294 та бўлган бўлса, ҳозирги кунда улар сони 323 тани, аъзолари эса 21 минг нафардан зиёдни ташкил этди.



Кенгаш кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга ҳам алоҳида эътиборни қаратмоқда. Чунки касаба уюшма фаоллари кўпчилик билан мулоқотга кириша билиши, жамоа аъзоларида ишчанликни шакллантира олиши, меҳнаткашларни ўз ортидан эргаштириб, ваколатларини касаба уюшмаси фаолларига етказа билишдек ҳислатларга эга бўлиши зарур.

Ҳисобот даврида мана шу ўта муҳим вазифага ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Сайлаб қўйиладиган касаба уюшма органларига обрўлик, ўз ишини яхши биладиган, топширилган вазифага масъулият ҳисси кучли бўлган кишилар жалб этилди. Ҳисобот даврида 41 фоиз касаба уюшма фаоллари илк бор сайландилар. Уларнинг 78 фоизи олий ва ўрта махсус маълумотлидир. 184 нафар аёллар бошланғич ташкилотларга етакчилик қилишяпти.

Тармоқда ишни бўшаштириб юборган, ўз хизмат вазифасига масъулиятсизларча ёндошган кишилар ҳам учраб турибди. Маълумки, Низомга мувофиқ туман ва шаҳар бўйича вакиллар Марказий қўмита раёсатида тасдиқланади. Уларга тавсифнома вилоят қўмитаси томонидан берилади. Шу боис хатоликларга йўл қўйган Бўка, Юқори Чирчиқ туманларининг вакилларига вилоят Кенгаши мана шундай ишонч билдирмади.

Касаба уюшма ташкилотлари тармоқ битимлари ва жамоа шартномалари орқали меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишмоқда. Тармоқ меҳнаткашларининг 82 фоизи жамоа шартномаларида акс этган имтиёзлардан фойдаланишяпти. Ўрта ҳисобда ҳар бир тармоқ меҳнаткашини ижтимоий-ҳимоялашга 29 минг 482 сўм сарфланди.

Касаба уюшма ташкилотларида идора ва хўжаликлар раҳбарлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларининг бажарилишини назорат қилиш янада кучайди. Бу борада Чирчиқ, Ангрен, Янгийўл шаҳарларида ҳамда Қибрай ва Тошкент туманларида амалга оширилган ишларни мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкин. Шунга қарамасдан, айрим корхоналарда имзоланган жамоа шартномалари талаб даражасида эмас. Уларнинг айрим бандлари республика Меҳнат Кодексидан кўчириб олинган. Жойларда фаолият кўрсатаётган экспертиза комиссиялари фаолиятини ҳам талаб даражасида деб бўлмайди. Шу ўринда жамоа шартномаларини тузиш ва бажарилишини назорат қилиш, уларни жамиятда рўй бераётган иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда тузилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Тармоқ меҳнаткашларини соғломлаштириш борасида ҳам бирмунча ишлар амалга оширилди. Жорий йилнинг ўзида 159 нафар меҳнаткаш ҳамда ишчи хизматчиларнинг 289 нафар фарзандларига турли сиҳатгоҳ ва ёзги дам олиш оромгоҳларига йўлланма берилди. Аммо йўлланмаларни тарқатиш механизми ўзгарганлиги ҳамда ижтимоий суғурта бадаллари тушумини таҳлил этиш анчагина мураккаб бўлиб қолди. Юқори ташкилотлар томонидан бу ишга аниқлик киритилса айни муддао бўларди.

Яна бир вазифа. Бу оммавий спортни меҳнаткашлар ўртасида кенг ривожлантиришдир. Янгийўлда бўлиб ўтган «Меҳр ва мурувват йили»га бағишланган, Федерация ҳамда вилоят касаба уюшма Кенгаши томонидан ўтказилган спартакиадаларда вилоят тармоқ меҳнаткашлари қатнашиб, совринли ўринларни эгаллашди. Аммо бу йўналишда бошланғич ташкилотларнинг роли ҳали ҳам талаб даражасида деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам мазкур йўналишда туб бурилиш ясаш лозим. Чунки жисмоний тарбиянинг оммавийлигига фақатгина меҳнат жамоаларини кенг жалб этилиши орқали эришиш мумкин.

Муҳим вазифалардан яна бири меҳнаткашларни маданий-маърифий тарбиялашдир. Чунки кўзланган олийжаноб мақсадларга етишиш учун иймон-эътиқодли, юксак маданиятли, чуқур билимли шахсларни тарбиялаш зарур.

Шу йилнинг 26 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Сайловни ҳар томонлама кўнгилдагидек ўтказиш учун касаба уюшмалари ҳам бир ёнда туриб қатъий ҳаракат қилишяпти.

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## КАРТИНГ МУСОБАҚАСИ

Республика техник ва амалий спорт турлари маркази ташаббуси билан Бухоро вилоятининг Ғиждувон шаҳрида картинг бўйича ўтказилган Ўзбекистон кубоги мусобақасида саксон нафар ёш спортчи иштирок этди.

Шахсий биринчиликда Р.Жумаев, Д.Евгений, Ю.Девликанов ҳамда Ф.Жумаев ўз йўналишлари бўйича ғолибликни қўлга киритган бўлса, клублар ўртасида «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар Ҳамза тумани кенгаши жамоаси ғолиб бўлди.





## КЛИНИКАДАН ҲАММА МИННАТДОР

Бугунги кунда Фарғона шаҳрида жойлашган «Уржуза» хусусий клиникаси хизматидан миннатдор бўлаётганлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Бу ерда кўз касалликларини даволашда энг замонавий тиббиёт техникаларидан оқилона фойдаланилаётир. Клиникада беш нафар шифокор ва 12 нафар ҳамшира беморларга қарамоқда.

Таъкидлаш керакки, яқиндан бошлаб клиникада оғиз, бурун, қулоқ ҳамда проктология касалликларини даволаш йўлга қўйилди.

— Бизга мурожаат этган беморларни уч кун ичида даволаб, уйларига чиқариб юбормоқдамиз, - дейди клиника бош шифокори Қобилжон Ғофуров. — Беморлар таклифини ўрганиб чиқиб, яқин кунларда аёллар маслаҳатхонаси бўлимини очишни режалаштирганмиз.

***Суратларда: (чапдан) офтолмолог Мавжуда Ашурова беморга хизмат кўрсатаётган пайти; ҳамшира Насиба Абдуллаева.***

**М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар**

## Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

***САВОЛ: Амалдаги меъёрий ҳужжатларга биноан кимлар муқобил хизматга чақирилиши мумкин ва унинг тартиби тўғрисида батафсил тушунтириш беришингизни сўраймиз.***

**С.НОРҚОБИЛОВА,**
**Ф.УСМОНОВА**
**Шаҳрихон тумани**

**ЖАВОБ**: Муқобил хизматни ташкил этиш ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг уни ўташи тартиби тўғрисидаги Низом Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2003 йилнинг 11 мартидаги №128-сон қарори билан тасдиқланди.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан муқобил хизматни ўташ тартибини, шунингдек, уни ташкил этиш юзасидан жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, вазирликлар, идоралар, концернлар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг вазифаларини белгилайди.

Фуқароларни муқобил хизматга чақириш жойлардаги давлат ҳокимияти органларига, туман (шаҳар) чақириқ комиссияларига, шунингдек, тегишли туман (шаҳар) мудофаа ишлари органларига юклатилган. Ўн саккиз ёшдан йигирма етти ёшгача бўлган ҳарбий рўйхатда турувчи ва хизматга чақирилиши лозим бўлган диний таълимоти қурол-яроғдан фойдаланиш ва Қуролли Кучларда хизмат қилишга йўл қўймайдиган, рўйхатга олинган диний ташкилотлар ҳисобида турган фуқаролар муқобил хизматни ўташ ҳуқуқига эгадирлар.

Муқобил хизматга чақириладиган фуқаролар ўзларининг кўрсатиб ўтилган рўйхатдан ўтказилган диний ташкилотларга мансублиги тўғрисидаги маълумотномани олдиндан туман (шаҳар) мудофаа ишлари органларига тақдим этган ҳолда уларни хабардор қилишлари зарур. Улар умумий ҳарбий мажбуриятни бажаришнинг чақирув бўйича ҳарбий хизмат ўрнига иқтисодиёт, ижтимоий соҳанинг турли тармоқларида кам малака талаб этиладиган (ёрдамчи) ишларни, шунингдек фалокатлар, ҳалокатлар, табиий офатлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ишларини бажарадилар. Низом бўйича муқобил хизматнинг муддати йигирма тўрт ой, олий маълумотли фуқаролар учун эса ўн саккиз ой қилиб белгиланган.

Муқобил хизматга чақирилувчилар белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтадилар. Туман (шаҳар) чақирув комиссияси тақдим қилинган ҳужжатлар ва тиббий кўрик натижаларига мувофиқ фуқароларни муқобил хизматга чақириш тўғрисида қарор қабул қилади. Муқобил хизматга чақирилган фуқаро унга хизматни ўташ жойи тайинланганлиги тўғрисидаги ва етиб бориш муддати белгиланган ёзма кўрсатмани олиш учун туман мудофаа ишлари бўлимига белгиланган муддатда етиб келади. Фуқаро ёзма кўрсатмани олгандан сўнг, белгиланган муассаса, корхонага етиб боради. Муассасада, корхонада унинг ишга қабул қилинганлиги тўғрисида меҳнат шартномаси тузилади . Буйруқ чиқарилади ва ўша кундан муқобил хизмат бошланган кун ҳисобланади. Муқобил хизматга чақирилган шахсга чақириқ санаси ва хизмат ўталаётган жой ҳақидаги белги қўйилган гувоҳнома фуқароларнинг муқобил хизматга муносабатини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

Муқобил хизматни ўташ Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланган вазирликлар, идоралар ва концернларнинг корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларида амалга ошириладиди, улар қуйидагилар:

1. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги;
2. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги;
3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги;
4. Мудофаа вазирлиги;
5. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги;
6. Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги;
7. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги;
8. Ўзбекистон монтаж ва махсус қурилиш ишлари уюшмаси;
9. «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси;
10. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси.

Муқобил хизматни ўтаётган фуқароларга меҳнат тўғрисидаги Қонун ҳужжатлари татбиқ қилинади ва бу муддат меҳнат стажига қўшилади. Улар раҳбарлик ва сайлаб қўйиладиган лавозимларда ишлаши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши ҳамда таълим муассасаларига ўқишга кириши мумкин эмас. Уларга ўзлари меҳнат қилаётган корхонанинг ички меҳнат тартиби қоидалари татбиқ қилинади. Шунингдек улар тузилган меҳнат шартномаси (контракт) шартларига тўлиқ риоя қилишлари шарт. Иш берувчи ҳар ойда Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг ҳисоб рақамига муқобил хизматчилар иш ҳақининг 20 фоизини ўтказиши керак.

Бундан ташқари, мудофаа ишлари бўлимини фуқароларнинг муқобил хизматга келганлиги, хизматчилар томонидан меҳнат тўғрисидаги Қонунларнинг бузилиш ҳоллари тўғрисида хабардор қилишга мажбурдирлар.

Ходимлар сони (штати) ўзгариши ёки иш хусусиятининг ўзгариши, корхонанинг тугатилиши сабабли ёхуд фалокатлар, ҳалокатлар, табиий офатлар ва фавқулодда ҳодисаларни тугатиш бўйича ишларни бажарувчи корхоналарни тиклаш зарурияти бўлган ҳолларда муқобил хизматдагиларни бошқа корхоналарга ўтказиш зарурияти туғилиб қолган ҳолларда бир жойдан иккинчи жойга ўтказиш ҳуқуқи:

туман (шаҳар) доирасида - туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимининг бошлиғига;

вилоят доирасида - Вилоят мудофаа ишлари бошқармасининг бошлиғига;

республика доирасида - Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штабининг ташкилий сафарбарлик бош бошқармасининг бошлиғига берилган.

Муқобил хизматни ўтаётганда меҳнат қобилиятини йўқотган фуқаролар ва ҳалок бўлганларнинг оилалари, шунингдек уларнинг қарамоғида бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ муддатли ҳарбий хизматдагилар учун белгиланган нафақалар ва пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Муқобил хизмат муддатини ўтаб бўлганлар Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида Қуролли Кучлар захирасига бўшатиладилар ва улар уч кун муддатда турар жойлардаги туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимига бориб, ҳарбий ҳисобга туришлари шарт ва илгариги ишига ёки унга тенг ишга (лавозимга), шунингдек, чақирилишига қадар ўзи ўқиган таълим муассасасига қайтиш ҳуқуқига эгадир. Умуман уларни иш билан таъминлаш вазифаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликлари зиммасига юклатилган.

Фуқаро оилавий аҳволи ўзгарганлиги муносабати билан, агар бу ҳол унга қонун ҳужжатларига мувофиқ чақирилиш муддатини кечиктириш ёки чақиришдан озод этилиш ҳуқуқини берадиган бўлса, муқобил хизматдан муддатидан олдин бўшатилиши мумкин.

Муқобил хизматдан муддатидан олдин бўшатиш тўғрисидаги қарорни Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги қабул қилади.

### «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ





## ТУҲФА

***АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Джон Пурнелл АҚШ ҳукумати томонидан молиявий ёрдам кўрсатилган пойтахтдаги 2—Меҳрибонлик уйига ташриф буюрди.***

Элчи жаноблари молиявий ёрдамдан сўнг меҳрибонлик уйида амалга оширилган ишлар билан танишди. Бу хайрли тадбирлар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларнинг, хусусан, АҚШ ҳукумати ва Ўзбекистон меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлиги ўртасидаги ҳамкорликнинг самараси, дея эътироф этди Ж.Пурнелл.

Элчи меҳрибонлик уйи бош врачи У. Асадуллахўжаева ва болажонларга 1994 йилдан буён меҳр-мурувват кўрсатиб келаётган АҚШнинг "Ворлд Консерн" ноҳукумат нотижорат ташкилоти вакили Дэниел Ратц, Майк Эдсон, Синди Эдсон билан суҳбатлашди. Биргаликда болалар ижросидаги шеър ва қўшиқларни тинглашди. Элчи болаларга эртак ўқиб берди.

Шуни айтиш жоизки, ҳамкорларнинг меҳр-мурувват кўмаги мунтазам давом этиб келяпти. АҚШнинг қишлоқ хўжалик вазирлиги Ўзбекистондаги ҳамкорлари билан биргаликда мазкур болалар уйининг ошхонасини иситиш ва сув билан таъминлаш тизимини янгилашда, ўқув заллари, ётоқхоналарни жиҳозлашда, даволаш хоналарини тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлашда яқиндан кўмак берди. Ҳозирда эса ҳамкорлар томонидан чўмилиш ҳавзасини қуриш ишлари олиб борилмоқда.

**"Туркистон-пресс"**


**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ВА «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

**2004 йил 30 декабр ва 2005 йил 6, 13, 20, 27 январ кунлари соат 11.00 да Республика Кўчмас мулк биржасининг биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:**

Давлат патент идораси балансидаги автотранспорт воситаси:

1. ГАЗ-310290 русумли, давлат рақами 10 AR 138,1996 йилда ишлаб чиқарилган,
**Бошланғич баҳоси - 1 992 000 сўм**

Миллий хавфсизлик хизмати балансидаги автотранспорт воситалари:

2. ВАЗ-21054 русумли, давлат рақами 10 AQ 456, 1996 йилда ишлаб чиқарилган
**Бошланғич баҳоси - 1 038 300 сўм**
3. ВАЗ-2106 русумли, давлат рақами 10 AQ 354, 1998 йилда ишлаб чиқарилган
**Бошланғич баҳоси - 922 300 сўм**
4. «ДЭУ Нексия» русумли, давлат рақами 10 AN 347, 2001 йилда ишлаб чиқарилган
**Бошланғич баҳоси - 3 654 600 сўм**
5. «ДЭУ Нексия» русумли, давлат рақами 10 AQ 427,1997 йилда ишлаб чиқарилган
**Бошланғич баҳоси - 2 558 200 сўм**
6. «Мерседес-Бенц-190Е» русумли, давлат рақами 10 AV 592, 1986 йилда ишлаб чиқарилган.
**Бошланғич баҳоси - 7 076 200 сўм**

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.

Закалат пули «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»нинг Ўзбекистон Республикаси Уй-жойжамғарма банкини Тошкент шаҳар, С. Раҳимов бўлимидаги ҳисоб рақамига: 20208000804265383001, КОД-00901, СТИР 204563716 ўтказилади.

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг!**

Қўшимча маълумотлар учун Республика Кўчмас мулк биржаси ва «Kim oshdi savdolari agentligi»га мурожаат қилишингиз мумкин.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, Қора Қамиш 2\4 даҳаси, М. Ўрозбоев кўчаси, 1«А»-уй, Республика Кўчмас мулк биржаси биноси, 2-қават, 207-хона.**
**Маълумот учун телефонлар: 133-29-83, 136-15-28, 136-26-26.**


***Олот туманидаги Ганжичандир, Бўстон, Солоқоровул, Ёшботир қишлоқлари аҳолиси тоза ичимлик суви муаммосидан қутилди.***

## ҚИШЛОҚЛАРГА ТОЗА СУВ КЕЛДИ

Маҳаллий бюджетдан ажратилган 19 миллион сўмдан зиёд маблағ эвазига қарийб 13 чақирим масофага қувур тортилиб, тоза сув келтирилди.

Бухоро вилояти бўйича шу йилнинг ўтган даврида 178 километрдан зиёд сув қувури ётқизилиб, 284 қишлоқ аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди.

